2016 ЙИЛ 17 МАРТ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 54 – 55 (13.117 – 13.118)

Баҳоси эркин нархда

ХАРТЛИ БУТ:

"ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ОЛДИГА ҚЎЙГАН БАРЧА СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРНИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРМОҚДА"

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси Буюк Британия экспертлар ҳамжамиятида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, "Британия – Ўзбекистон жамияти" раиси давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузаси юзасидан ўзининг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди:

— Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлигимиз мавжудлиги боис, кўп йиллардан бери мамлакатнинг замонавий ривожланишидан воқиф бўлиб келмоқдаман. Жаҳонда мураккаб геосиёсий ва иқтисодий жараёнлар кечаётган бўлишига қарамай, Ўзбекистон рақобатбардош ва диверсификациялашган иқтисодиётга асосланган замонавий демократик давлатни барпо этиш йўлидан оғишмай олдинга қараб ҳаракатланмоқда.

Дунёда бундай мақсад йўлида ҳаракат қилаётган мамлакатлар талайгина, бироқ Ўзбекистоннинг ўзига хослиги шундаки, кейинги йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланишда салмоқли муваффақиятларни қўлга киритган бўлишига қарамай, мамлакат бу йўналишдаги жараённи изчил давом эттирмоқда.

Сўнгги ўн йил мобайнида Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари сақланиб келаётгани 2030 йилга бориб мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш имконини беради. Бу глобал иқтисодиёт ривожланиши тамойиллари ҳисобга олинган ҳамда мамлакат ривожланишининг ҳолати ва истиқболлари аниқ-равшан баҳоланган ҳолдаги стратегик режалаштиришдир.

Менимча, Ўзбекистонда ўтган йили давлат раҳбари ташаббуси билан бошланган давлат корхоналарини хусусийлаштириш дастури, шу жумладан, давлат активларини хусусийлаштириш, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш вазифалари қўйилгани ўз вақтида ташланган қадамдир. Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида давлат иштирокини қисқартириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини қўллаш бозор иқтисодиёти шароитида компанияларнинг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашади.

Яна бир муҳим жиҳат. Ўзбекистонда мулкчилик тизимини тубдан ўзгартириш бўйича ишлар хусусий мулк ҳимоясини кафолатлайдиган ҳамда бизнесни ривожлантириш учун маъмурий тўсиқларни бартараф этиш юзасидан қонунчилик заминини такомиллаштиришдек мажмуавий чора-тадбирлар билан бирга олиб борилмоқда. Шуниси аёнки, республика раҳбарияти тадбиркорлар фаолияти учун қулай шароитларнинг яратилиши соғлом иқтисодиётнинг гарови ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омили эканлигини жуда яхши билади.

Кўпгина мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва истеъмолчиликнинг қисқариши кузатилаётган ҳозирги пайтда Ўзбекистон кенг кўламдаги саноат ва инфратузилма қурилишини, жумладан, чет эл сармояси иштирокидаги бунёдкорлик ишларини ишонч билан давом эттирмоқда. **2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилиши якунлангани ва фойдаланишга топширилгани мамлакат иқтисодиётининг соғлом эканлигидан далолат беради.**

Шу билан бирга, 2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастури доирасида автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, темир йўллар тармоғини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар ҳам катта эътиборга сазовордир.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон ўз олдига қўйган барча стратегик вазифаларни изчиллик билан амалга оширмоқда.

"Жаҳон" АА,
Лондон

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислом Исмоилов олган сурат

"Ташаббус — 2016"

ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус — 2016" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Маданият ва санъат кўргазмаси" залида бўлиб ўтган тадбирда танловнинг туман босқичларида энг яхши деб топилган 22 нафар тадбиркор ва ҳунарманд иштирок этди.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш ва илғор тажрибаларини оммалаштириш доимий эътиборда. Бу эса ишлаб чиқариш субъектлари сонининг ортиб боришига ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат даражаси янада ошишига хизмат қилмоқда.

Ўтган 2015 йилда Тошкент шаҳрида 6881 та янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, бугунга келиб уларнинг сони 45490 тага етди. Кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 57 фоиз, саноатда 71,2 фоиз, хизмат кўрсатишда 52,8 фоиз, ҳудудий экспортда 92,7 фоиз ва аҳоли бандлигида 57,6 фоизни ташкил этади. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ хусусий тадбиркорликнинг қай даражада ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан бир қаторда ўзбекона урф-одат ва анъаналаримизни асрлар давомида сақлаб келаётган миллий ҳунармандчилигимиз ҳам тараққий этиб бораётир. Давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлиги самараси ўлароқ юртимизда ушбу соҳа янада равнақ топди. Авлоддан авлодга, устадан шогирдга ўтиб келаётган ҳунармандчилигимизнинг баъзи унутилган турлари қайта тикланиб, бугунги кунда уларни ёш авлодга ўргатиш анъанаси давом этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган ушбу кўрик-танлов тадбиркорлар ва ҳунармандларнинг маҳсулотлари ва ижодий ишларини кенг намойиш этиш, фикр алмашиш ва илғор тажрибаларни оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танловда тадбиркорлар электр ускуналари, консерваланган ош, мебель, маиший техника эҳтиёт қисмлари сингари кенг турдаги маҳсулотларни намойиш этди. Ҳунармандлар эса миллий либослар, ёғоч ўймакорлиги буюмлари ва бошқа санъат асарлари билан кўргазмани янада бойитди.

– Мазкур танлов тадбиркорлар ва ҳунармандларнинг ўзаро фикр алмашиши, тажриба тўплаши ҳамда ушбу соҳаларнинг юксалиши ва тараққий этишида яхши самара бермоқда, – дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш истиқболлари бўлими бош мутахассиси Диёр Абдазов. – Фахр-ифтихор билан айтишимиз мумкинки тадбиркорларимиз томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар чет эллики билан бемалол рақобат қила олади. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор натижасидир, албатта.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ — ДОЛЗАРБ ЛОЙИҲАЛАРГА

Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг мустаҳкамлиги таъминланаётгани, улар фаолияти моддий ва молиявий қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

2016 йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашга 11 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу 2015 йилга нисбатан 10 фоиз кўп демакдир.

Комиссия аъзолари Президентимизнинг шу йил 9 февралдаги Қарори билан тасдиқланган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этишини таъминлашга эътибор қаратди. Бу йўналишда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқаришга кўмаклашиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, халқимизнинг маданий меросини оммалаштириш, жамиятда миллатлараро ва конфессияларо дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳалар учун давлат ижтимоий буюртмаси шаклида 2,3 миллиард сўмлик маблағ ажратилди.

Ушбу лойиҳалар доирасида туғма ва ирсий касалликларни аниқлаш, эрта никоҳ ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларидан огоҳлантиришга қаратилган ахборот ва маърифий материаллар, теледастурлар тайёрланади. Кам таъминланган оилаларнинг туғма юрак нуқсони бор фарзандларига, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ижтимоий, руҳий-педагогик, ҳуқуқий ва маърифий ёрдам кўрсатиш учун қўшимча шарт-шароит яратилади.

Парламент комиссияси аъзолари ахборот хавфсизлиги соҳасида кадрлар тайёрлаш, иқтидорли ва ташаббускор мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича миллий тизимни янада ривожлантиришга кўмаклашиш, ёшларнинг интеллектуал ва инновацион салоҳиятини оширишга йўналтирилган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий "Ташаббус – 2016" кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичида 30 дан ортиқ тадбиркор, ҳунарманд ва фермер иштирок этди.

● Термизда ҳуқуқий, маънавий-маърифий тарғибот ишларини услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш масалаларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ва корхоналар масъул ходимлари иштирок этди.

● Фарғона вилояти Тошлоқ туманида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий ва миллий архитектура ечимлари асосида қад ростлаган ушбу бинода ҳам фуқароларга самарали хизмат кўрсатиш учун барча қулайлик яратилган. "Оила дорилфунуни", "Ёш оила қурувчилар мактаби" хоналари, маросимлар зали, ҳужжатларни сақлаш ва бошқа хоналар замонавий жиҳозланган.

● Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Андижон вилояти ҳудудий бирлашмаси ташаббуси билан "Истеъмолчи манфаати ҳамиша устувор" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Испания, Эстония, АҚШ ва Буюк Британия астрофизиклари коинотдаги энг йирик объект сифатида баҳоланаётган галактик деворни аниқлашди. Олимлар қуёш тизимидан 4,5-6,4 миллиард ёруғлик йили масофадан 830 та галактикадан иборат жамланма борлигини тахмин қилишмоқда. Ушбу олис объект Сомон йўли галактикасидан тахминан 10 минг марта оғирроқдир.

● 2011 йил 11 март куни юз берган жуда кучли зилзиладан сўнг Япония давлати Америка қитъаси томон силжиётганлиги олимлар томонидан аниқланди. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Осика ярим оролида 6,4 метрли сурилиш кузатилган, Консу оролининг шимоли-шарқида ҳаракат ҳам давом этмоқда.

● Ҳаваскорлар бокси халқаро уюшмаси (AIBA) томонидан маълум қилинишича, жорий йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида бокс бўйича эркаклар ўртасидаги мусобақа ҳимоя анжомларидан фойдаланмаган ҳолда ўтказилади. Таъкидлаш жоизки, спортчилар худди шундай муҳофаза воситаларисиз ўзаро куч синашган сўнгги Олимпиада 1984 йили Лос-Анжелесда бўлиб ўтган эди.

ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШЛАР САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Танловни юқори савияда ва холислик асосида ўтказиш учун тадбиркорларнинг бир қатор жиҳатлари: янги иш ўринларини ташкил этиш, маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш, корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларининг ўсиши, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ҳамда экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги фаоллигига эътибор қаратилмоқда.

"Йилнинг энг яхши тадбиркори" номинацияси бўйича ғолибликни "Magnus Industrial Group" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Анвар Нодирхонов ҳам шундай фикрда. – 2011 йилда фаолият бошлаган бўлсак, шу вақт ичида биз, тадбиркорларга қаратилаётган эътибор натижасида ишларимиз анча яхшиланди. Бугунги кунда элликдан ортиқ ишчи-ходимларимиз бор. Маҳсулотларимиз Россия, Хитой, Белорусия каби бир қатор давлатларга экспорт қилинмоқда. Маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш устида изланишлар олиб бормоқдамиз. Бу борада давлатимиз томонидан кўплаб имкониятлар яратилган. Эришилган ютуқлар бизни янада кучлироқ ишлашга ундайди.

Шунингдек, "Энг яхши ёш тадбиркор", "Ёшларга иш берган энг яхши тадбиркор", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Энг яхши оилавий бизнес", "Энг яхши аёл тадбиркор", "Энг яхши экспортчи" каби номинациялар бўйича ҳам тадбиркорлар тақдирланди.

Биринчиликни эгаллаган тадбиркор ва ҳунарманд танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Абдуалим САЛИМОВ

Ҳаммамиз кўчада истеъмолчимиз. Ҳар куни транспортда юрамиз, бозорга борамиз, дўконга кирамиз, турли хизматлардан фойдаланамиз...

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА

Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни муносабати билан ташкил этилган анжуманда "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш борасида Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлар" мавзусида сўз юритилди.

Давлат рақобат қўмитасининг Реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Дилшод Азимовнинг маълумот беришича, "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун 1996 йил апрель ойида қабул қилинган бўлиб, ўтган 20 йиллик давр мобайнида Қонунга қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида, қўмита томонидан тизимли равишда тарғибот ишлари ўтказилиб келинмоқда. Савдо ва маиший хизмат шохобчаларида, шунингдек ташқи реклама воситаларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик нормаларини ёритувчи плакатлар, қўмитанинг ишонч телефонлари ёзилган маълумотлар жойлаштирилган.

— Ўтган 2015 йилда қўмита ва унинг ҳудудий органларига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича жами 5141 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 92,5 фоизи истеъмолчилар фойдасига ҳал қилинган, — дейди Давлат рақобат қўмитаси бош мутахассиси А.Раупов, — шундан ишонч телефони орқали тушган мурожаатларнинг 61,9 фоизи бўйича тегишли чоралар кўрилган, 38,1 фоизига қўмита ваколатлари доирасида тушунтиришлар берилди.

Айтиш жоизки, ҳанузгача истеъмолчилар мурожаатларининг аксариятида коммунал хизматлар соҳаси етакчи ўринни эгаллайди, аксарият истеъмолчилар уй-жой коммунал хизматлари тарифларини тўлашда юзага келаётган муаммоли вазиятлар, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, қўшимча ҳақ ҳисоблаш каби ҳолатлар бўйича арз қилишган. Анжуманда, фуқароларнинг мурожаатларини жойида ўрганиб чиқиш ва тезкор ҳал қилиш мақсадида қўмитанинг масъул ходимлари томонидан фуқароларни электр ва газ таъминоти корхоналарининг ўзида қабул қилиш ишлари йўлга қўйилганлиги айтиб ўтилди.

Давра суҳбатида келгусида тарғибот ишларини сусайтирмасдан аҳолининг истеъмол маданиятини янада ошириш борасида қилиниши лозим бўлган йўналишларга эътибор қаратилди.

З.ШАРИФЖОНОВ



Ислом Исмоилов олган сурат

Қарор ва ижро

ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРГА МОС

Ресурсларни тежаш, энергиянинг муқобил манбаларини амалиётга жорий қилиш — жадал ривожланиб бораётган мамлакатимиз учун энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Уларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 августдаги қарорига асосан Энергия самарадорлиги ва тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссияси тўғрисидаги низом тасдиқланди, энергияни тежовчи технологияларни жорий қилиш курси белгиланди.

Бир неча йиллар аввал ҳам шаҳримизда очиқ оловда миллий таомлар тайёрланадиган жойлар кўп эди. Эслаб кўринг: кўмир тутаётган ўчоқлар ва мангаллар, ҳар қўзғалганда тутун устуни осмонга мўрлаб кетар, қоракуя билан қопланган қозонлар, уларни қизитиш учун сарфланадиган ўтинлар... Таом тайёрлаш маданияти ҳақида эслаш ортиқча, очиқ олов ҳам экологияни ифлослантириши баробарида ёнғин хавфсизлигини ҳам кафолатламас эди.

– Ошпазларга электр қозонларни таклиф қилганимизда улар дастлаб маҳсулотларимизга ишонқирмай қарашди, — дейди пойтахтимиздаги "PGS" хусусий корхонаси директорининг ўринбосари Д.Гладких. — Биз шуни тушунтирдикки, маҳсулотларимиздан фойдаланиш нафақат қулайлик келтириб чиқаради, балки маблағларни тежаш имкониятини ҳам яратади. Бунда қозонни қоракуядан тозалаш, ўтин излаб овора бўлиш, ўтинни сақлаш, кулини йиғиштириш ҳақида бош қотириш керак эмас. Кунига 150-200 кишига ош пиширадиган умумий овқатланиш шохобчаларида ўтин, кўмир сотиб олиш, уларни сақлаш анча маблағни талаб қилади. "ПГС" электрқозонидан фойдаланилганда харажатлар қарийб тўрт баравар камаяди. Экологияни назорат қилувчи органлар билан ҳам тушунмовчиликлар юзага келмайди.

"ПГС-029" электр қозонларида корхонамиз мутахассислари томонидан яратилган, ноёб тузилишга эга керамикадан ясалган иситиш элементларидан фойдаланилади ва бу электрни энг юқори даражада тежаш имкониятини беради. Уларда ҳарорат режими — 50 дан 250 градусгача тартибга солинади. Иситиш вақти эса уч минутдан беш минутни ташкил этади. Шу тарзда фойдаланиладиган энергиянинг 95 фоизи бевосита таом тайёрлашга сарфланади. Ушбу маҳсулот ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб беради, у Ўзбекистон Республикаси ИИВ Марказий ёнғин хавфсизлиги лабораториясида синовдан муваффақиятли ўтган. Бундан ташқари, керамик иситиш элементлари металл элементларига нисбатан узоқроқ фойдаланиш муддатига эга.

– Айни пайтда маҳсулотларимизнинг ошпазлар учун яна бир муҳим ижобий жиҳати бор, – деб сўзини давом эттирди Дмитрий Сергеевич. – Палов оддий қозонда тайёрланганда, очиқ оловнинг иссиғи ошпазнинг оёғини куйдиради. Шу сабабли уларнинг кўпчилиги оёқларидаги касб касаллигидан азият чекади. "ПГС-029" электр ўчоғида эса бундай ҳолат кузатилмайди. Унинг икки қаватли деворлари одамга термик таъсир кўрсатмайди ва бу орқали хавфсизлик таъминланади. Хулоса қилиб айтганда, ошпазлар таъкидлаганидек, электр қозондан фойдаланиш қўшимча харажатларсиз ва ташвишларсиз мазали таомлар тайёрлаш имкониятини яратади. Айни пайтда барча санитария-гигиена талабларига риоя қилинади. Бугунги кунда буюртмачиларнинг талабини ҳисобга олган ҳолда корхонада уч турдаги электр қозонлар ишлаб чиқарилмоқда.

Чекланмаган кафолатли хизмат кўрсатиш муддатига эга "PGS" хусусий корхонасининг маҳсулотлари ошпазларнинг яқин кўмакчисига айланмоқда.

О.ҲАКИМОВА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ УЧРАШУВИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Япония ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи компания ва концернлари раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари Б.Сулаймонов, Японияниг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф.Като ва бошқалар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Японияга расмий ташрифи, Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг 2015 йил октябрь ойида мамлакатимизга расмий ташрифи ўзаро муносабатларга янги суръат бағишлади.

Япония Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот, Ўзбекистон ва Япония ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнот асосида изчил ривожланмоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан. Япония ҳукумати мамлакатимизда 1995 йилдан буён бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигини ҳам қамраб олган кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам дастурини амалга ошириб келмоқда. Ўтган даврда мазкур дастур доирасида умумий қиймати 23 миллион 380 минг доллардан ортиқ 352 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Япония ҳукуматининг молиявий кўмагида сув хўжалигини бошқариш, ирригация тизимларини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва бошқа соҳаларда амалга оширилган лойиҳалар ўз самараларини бермоқда. Айни пайтда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш, мутахассислар малакасини ошириш каби йўналишларда ҳамкорлик қилинмоқда.

Анжуманда Ўзбекистонда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ва эришилаётган натижалар юқори баҳоланди. Меҳмонларга аграр тармоқда фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ўтган йили мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш қарийб 7 фоиз ошди. Бундай маҳсулотларни қайта ишлайдиган 230 корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга 114 янги совутиш камераси барпо этилди ва модернизация қилинди. Натижада мева-сабзавотларни сақлаш қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу йил давомида аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда.

Тадбирда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида олиб борилаётган ишлар, чет эллик сармоядорларга яратилган қулай имкониятлар хусусида сўз юритилди. Соҳага инвестициялар жалб этилаётгани самарасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш муттасил кенгайиб бораётир. Ўзбекистон аграр соҳа вакиллари Япония, АҚШ, Жанубий Корея, Швейцария, Бразилия, Таиланд, Германия, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг йирик ишлаб чиқарувчилари билан тажриба алмашиб, ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

– Мамлакатимиз Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди, – деди Япония Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги вазирлигининг халқаро алоқалар департаменти бош директори ўринбосари Татцуя Каджишима. – Япониялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон бизнес вакиллари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга қизиқиши катта. Делегациямиз таркибида қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш, қурилиш ва ахборот технологияларига оид компаниялар вакиллари бор. Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит ва юксак иқтисодий имкониятлар савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг равнақ топишида муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатингизнинг қишлоқ хўжалиги бўйича ўқув муассасалари, компания ва фирмалари фаолияти билан танишишни режалаштирганмиз.

Йиғилишда Ўзбекистон билан Япония ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи таҳлил қилиниб, уни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди. Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ресурстежамкор технологияларни татбиқ этиш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича замонавий технологияларни жалб қилиш, тармоқда янги лойиҳаларни амалга ошириш, ўзаро тажриба алмашувни фаоллаштириш, янги қўшма корхоналар очиш орқали икки мамлакат бизнес вакилларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

Шу куни Ўзбекистон ва Япониянинг ихтисослашган компания ва корхоналари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири



Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

МУАММОЛАР ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПАДИ

Ёшларни маънавий-ахлоқий, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллий анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш, маънавиятимизга зид бўлган салбий таъсирларнинг олдини олишда маҳаллалар муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, бугун маҳалла ҳуқуқий ва демократик жамиятимизнинг асосий таянчларидан бирига айланди. Шу боис жамиятимизда маҳалланинг ўрни тобора ортиб бормоқда.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган элликдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. 2013 йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шундай муҳим ҳужжатлардан бири бўлиб, мазкур қонуннинг 11-моддасига мувофиқ маҳалла фуқаролар йиғини йилнинг ҳар чорагида вилоят, туман ва шаҳар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботини эшитиши белгилаб қўйилди.

Шунга кўра пойтахтимиз туманларида "Фуқароларнинг ўзини бошқариш органларида туман (шаҳар) ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларининг чораклик ҳисоботларини эшитишни ташкил этиш ва ўтказишнинг тартиб-тамойиллари" мавзусида семинарлар ўтказилмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шундай семинарнинг навбатдагиси Мирзо Улуғбек туманидаги Алишер Навоий маҳалласида бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг шаҳар бўлими, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси, Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигининг мутасадди ходимлари, тумандаги давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари, ОАВ ходимлари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этишди.

Ҳисоботларнинг доимий эшитиб борилиши мавжуд муаммоларга ўз вақтида ечим топиш, жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши, фуқаролар йиғинлари ходимлари ва комиссиялар аъзоларининг иш самарадорлигининг ошиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, давлат органлари, ННТлар ва фуқаролар йиғинлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликнинг янада кучайишига хизмат қилиши тадбирда сўзга чиққанлар томонидан таъкидлаб ўтилди.

Шундан сўнг туман ҳокими Шомансур Аҳмедовнинг маҳалла фуқаролар йиғинига ҳисоботи эшитилди.

Туман ҳокимининг вакиллар олдидаги ҳисоботида 2015 йил ҳамда 2016 йилнинг биринчи чорагида бажарилган ишлар, хусусан, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва санитария ҳолатини яхшилаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам даромадли қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, ҳудуддаги аҳолининг айниқса, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати бўйича олиб борилаётган фаолият ҳамда кейинги режалар хусусида аниқ рақамлар асосида маълумотлар берилди.

Тадбир давомида маҳалла фуқаролари йиғинлари вакиллари томонидан маҳаллаларда мавжуд муаммоларнинг ечими ҳамда келажакдаги амалга оширилиши керак бўлган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Абдували СОДИҚОВ

TOSHKENT SHAHAR KENGASHI
KAMOLOT

ИШОНЧГА МУНОСИБ ЁШЛАР

Истиқлол юртдошларимизнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, манфаатларини ҳимоялаш билан бир қаторда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, шу юрт тақдири, унинг равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган инсонлар бўлиб улғайиши учун кенг имкониятларни яратди.

Пойтахтимиздаги 232-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари иштирокида ташкил этилган "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуидаги учрашувда шу ҳақда сўз юритилди.

Замонавий имкониятларга эга таълим масканлари, ёшлар марказлари, санъат кошоналари, соғломлаштириш мажмуаларининг бунёд этилаётгани халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказишдек асрий эзгу орзуларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлаётир.

Учрашувда ёши улуғ устозлар миллий анъана ва қадриятларимиз бардавомлигини таъминлаш, тинч-осойишта кунларимизнинг қадрига етиш, кенг имконият ва қулай шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

– Барча шарт-шароитларга эга таълим масканларида таълим-тарбия олишимиз орзуларимиз сари дадил интилишимизда муҳим омил бўлмоқда, – дейди мактаб ўқувчиси Зилола Шарофиддинова. – Президентимизнинг биз, ёшларга доим ишонч билдириши, юксак марраларни забт этинглар деган сўзлари тенгдошларим қатори менинг ҳам зиммамга юксак масъулият юклайди. Шу ишончга муносиб бўлишга ҳар доим ҳаракат қиламан.

Тадбир давомида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, эртамиз эгаларини ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилган ишларни янада кучайтириш юзасидан фикрлашилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда



Ёқин Шамсиддинов олган сурат

ЭЛ АРДОҒИДАГИ БАХТЛИ ҚИЗЛАР

Тошкент педагогика касб-ҳунар коллежида "Зулфияхоним қизлари эл ардоғида" мавзуида адабий учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, "Адолат" социал-демократик партияси ҳамкорлигида ташкил этилган маърифий тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлод, айниқса, қизларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ўн икки йиллик таълим билан тўлиқ қамраб олиш, замонавий касб-ҳунар эгаллаши, бандлигини таъминлаш учун барча шароит ва имкониятлар яратилаётгани таъкидланди.

Мазкур учрашувдан кўзланган мақсад ёшларга оид давлат сиёсатини таълим масканлари, маҳаллаларда кенг тарғиб этиш, улғайиб келаётган авлод онгу шуурини турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялаш, қизларнинг Ватан, жамият олдидаги масъулиятини кучайтиришда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари салоҳиятидан кенгроқ фойдаланишдан иборат.

– Истеъдоди, иқтидорини намоён этиб юксак мукофот соҳибалари бўлган тенгдош қизларни кўриб, уларга ҳавасим келди, – дейди Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Моҳирахон Анварова. – Юртимизда билим олишимиз, истеъдодимизни намоён қилиш учун яратилган барча шароитлардан оқилона фойдаланиб, келажакда танлаган соҳамизнинг етук мутахассиси бўлиш учун ҳаракат қиламиз.

Тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокида мушоира ташкил этилди, ўқувчилар томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди.

Г.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

Таълим

ҲАМКОРЛИК — ТАРБИЯНИНГ УЗВИЙ БЎҒИНИ

Фарзанд тарбиясида оиланинг узвий ҳамкори таълим тизими ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёни ёшларимизни маънавий жиҳатдан юксалтирувчи асосий омилдир. Мамлакатимиздаги таълим соҳасидаги амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам ёшларимизни жамиятга қўшилиб боришларида ва уни ривожлантиришларида муҳим аҳамият касб этади. Таълим-тарбия жараёни орқали жамиятдаги ҳолат, дунёнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий манзараси ҳақида ўқитиб, ўргатиб борилади.

Таълим соҳасини ривожлантириб бориш, билимли, илм-фанга қизиқувчи ёшларнинг кўпайиши тўғри йўлдан оғишмай боришнинг асоси ҳисобланади. Аммо баъзи таълим тизимидаги муаммоларнинг ҳам мавжудлигини айтиш лозим.

Бугунги кунда фарзанд тарбиясида ижтимоий муаммолар — уяли телефонлардаги ижтимоий тармоқлар тўри тобора авж олмоқда. Ушбу замонавий коммуникация воситалари муҳим алоқа воситалари бўлиши билан бирга баъзи маънавияти тўлиқ шаклланмаган ёшларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада болаларда ўқишга бўлган қизиқиш сусаймоқда, баъзи бир ҳолларда эса бола эрталаб ота-онасига: «ўқишга кетдим», – деб уйдан чиқади. Лекин амалда таълим муассасасига бормайди. Интернет кафелар, бошқа кўнгилочар масканларда вақт ўтказади. Кўча-кўйда куни билан ҳуштак чалиб, халқ ибораси билан айтганда, текканга тегиб, тегмаганга тош отиб, ўзига ўхшаганлар билан юраверади. Боринги, бундан ота-она хабар топмайди, болам ўқишда дея хотиржам бўлади. Аслида, улар фарзанди мактаб ёки колледждан кейин қаерга бориши, нима билан шуғулланишини назорат қилишлари лозим. Дарсга бормайдиган, бемаҳалда изғиб юрадиган айрим болаларнинг ота-оналари фарзандларидаги бу бепарволикдан муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шунинг учун мактаб ота-оналар ўртасида таълим-тарбияга оид ишларни кенгайтириши зарур. Бунда эса ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ташкил этилган "Ота-оналар кенгаши" ишини янада такомиллаштириш лозим.

Ҳаётда шундай лоқайд ота-оналар ҳам топиладики, уларнинг наздида болаларга кийим-бош олиб берилса, уйда қозон қайнаб турса, бўлди, бу ёғи ўз-ўзидан кетаверади: болалар яхши униб-ўсади, етарли билим олади, етук шахс ва яхши мутахассис бўлиб шаклланаверади. Фақат моддий таъминланганликнинг ўзигина маънавий етуклик кафолат бўлолмайди.

Бола ўқишга кириб, то уни тамомлаб чиққунга қадар ота-она коллеж билан яқин алоқа ўрнатиши, фарзандининг ўзлаштириши, хулқ-атворидан ҳамиша хабардор бўлиши, тарбия масалалари бўйича ўқитувчи, гуруҳ раҳбари билан маслаҳатлашиб туриши, уларни дарсдан сўнг боласининг нима билан машғуллигидан хабардор қилиши керак. Ўз навбатида ўқитувчи ҳам боланинг ўқиши, одоби, хулқи, мактабда ўзини тута билиши ҳақидаги маълумотларни ота-онага етказиши, зарурат туғилганда муаммоларни биргаликда ҳал этиши зарур. Шундагина боласи коллежга борган ота-она шу жамоаниинг аъзосига айланади. Шу сабабли ота-оналар коллежнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашишлари шарт.

Маҳаллаларда ўқув муассасаси билан узлуксиз боғланган ҳолда турли тадбирлар ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Ота-оналар кенгаш билан келишиб дарсларга ташриф буюрса, давомат, кийиниш маданияти ҳақида ўқитувчилар билан бирдек қайғурсагина самарали натижага эришиш мумкин.

Демак, мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги болалар тарбиясида асосий ҳал қилувчи бўғин бўлиб, бунда ўқитувчи-тарбиячи ва ота-оналарнинг бир мақсадга йўналтирилган тарбиявий ишлари муаммони ижобий ҳал этувчи омил ҳисобланади. Юксак тараққиёт ва интеллектуал ривожланиш даврида мамлакатимизда комил фарзанд тарбиялаш учун оила, таълим муассасаси ва маҳалланинг ҳамкорлиги фаровонлигимиз асосидир.

М.АҲМЕДОВА,
П.Ф.Боровский номли тиббиёт коллежи "Ота-оналар билан ишлаш кенгаши" котиби

"Камолот" лойиҳалари

ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Чилонзор туманидаги 15-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқувчи-ёшларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, ватанпарварлик, тинчликсеварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида "Камолот" оқшоми" лойиҳаси доирасида илк маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирга тумандаги таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилот етакчилари, иқтидорли ва истеъдодли ўқувчи-ёшлари таклиф этилди.

Ушбу тадбир туман прокуратураси, Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар бошқармаси, ҳокимлик ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш, маданият ва спорт ишлари бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилди.

Унда сўз олган туман Ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш профилактикаси катта инспектори Аброр Худойбердиев ва бошқалар юртимизда бугунги кунда ёшларимизнинг замонавий билим ва касб сирларини пухта эгаллашлари учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида тўхталиб, лойиҳани ўтказишдан кўзланган мақсад ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатишдан иборатлигини таъкидлаб ўтишди.

— "Камолот" оқшоми" тадбири 2013 йилдан буён анъанавий тарзда ташкил этиб келинмоқда, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов. — Унда ёшларнинг маданият, санъат, спорт соҳаси вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, театр-кино актёрлари билан жонли мулоқотлари ташкил этилади. Эътиборлиси, ушбу лойиҳа иқтидорли ёшлар билан бир қаторда таълим муассасаларида ўзлаштириши паст бўлган, дарсларга мунтазам равишда қатнашмаётган муаммоли ёшларни нафақат таълимга қайтариш, балки уларни ватанпарварлик, тинчликсеварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ушбу маънавий-маърифий тадбир давомида Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ҳамда 1-Республика тиббиёт коллежи "Шунқорлар" ҳарбий жамоаси аъзолари томонидан диний экстремизмни қораловчи, Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталикни тараннум этувчи, ўқувчи-ёшларни сергакликка ундовчи театрлаштирилган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Зарина РУСТАМОВА

Реклама ўрнида

ТАДБИРКОРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида йилдан йилга кенг ҳажмда бунёдкорлик ишлари қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ олиб борилиб, янгидан-янги замонавий талабларга жавоб берадиган кўп қаватли ва якка тартибда қурилаётган турар-жойлар билан бир қаторда тадбиркорлар томонидан савдо, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари барпо этилмоқда.

Бугунги кунда, баъзи тадбиркорлар ва фуқароларнинг амалдаги қонун ҳужжатларини тушуниб етмаслиги ёки уларга зид равишда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларини расмийлаштирмай туриб, қўшимча ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, бино-иншоотларни барпо этиш шунингдек, тасдиқланган лойиҳадан четга чиққан ҳолда қўшимча бино-иншоотларни барпо этиш ҳамда кўп қаватли турар жойларда ўзгартиришлар қилиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги 41-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2009 йил 4 мартдаги 115-сонли ҳамда 2012 йил 11 октябрдаги 820-сонли қарорларига асосан, Тошкент шаҳрида нотурар-жой объектлари ва якка тартибда қурилган уй-жойлар ҳамда кўп қаватли турар-жой биноларида ва ён атрофида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонлари ва ҳужжатсиз барпо этилаётган бино-иншоотларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича туман ҳокимликлари қошида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада, ноқонуний равишда ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ва қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларсиз савдо, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда турар-жой бино-иншоотлари қурган ёки қайта таъмирлаган тадбиркор ва фуқарони қонун олдида жавобгар бўлиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган маъмурий ва жиноий жазо чоралари қўлланилиши ҳақида огоҳлантиришимиз лозим.

Азиз ҳамшаҳарлар, ҳар хил кўринишдаги қурилмаларни қуришдан аввал, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунларга амал қилган ҳолда маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари асосида ажратилган ер участкаларида ва қурилиш ишларига рухсат берувчи рухсатномаларга асосан қурилиш ишларини олиб боришни унутманг. Бу билан Сиз қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишга ва Ватанимизнинг ҳуқуқий давлат сифатида янада ривожланишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ КАДАСТР РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИНГ!

Тошкент шаҳрида кўчмас мулкка бўлган талаб кундан кунга ортиб, мулкдорлар сафи кенгаймоқда. Шу билан бирга, ушбу кўчмас мулк объектларига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни қонунда белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Лекин, барча мулкдорлар ҳам ўзларига тегишли бўлган кўчмас мулк объектини давлат кадастр рўйхатидан ўтказиш мажбурийлиги ҳақида билишадими?

Бугунги кунда, айрим мулкдорларнинг фойдаланишидаги ер майдонлари ва бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни ўз вақтида давлат рўйхатидан ўтказмаганликлари оқибатида, ер ва мулк солиғи тушумларида ноаниқликлар, кўчмас мулк объектлари билан боғлиқ битимларни тузиш борасида банк муассасалари ва давлат нотариал идораларига маълумотномалар тақдим этишда муаммоларга дуч келинмоқда. Ушбу муаммоларни тезда ижобий ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 84-моддаси, Ўзбекистон Республикаси "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Низомга асосан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар белгиланган муддатларда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Республикамизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга янада қулайлик яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги 186-сонли "Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан кўчмас мулкларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда барча турдаги маълумотномалар бериш хизмати белгиланган муддатларда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги "Ягона дарча" тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги ПҚ2412-сонли қарорига асосан 2016 йил 1 январдан бошлаб, "Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси "Бир ойна" бўлими томонидан қуйида келтирилган хизмат турлари бўйича яъни; электрон ва ёзма кўринишида

1. Юридик шахсларга тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва гувоҳнома бериш.

2. Юридик шахсларга тегишли бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва гувоҳнома бериш.

3. Юридик шахсларга тегишли бино ва иншоотлар бўйича расмийлаштирилган гаров (ипотека) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш хизматлари, Тошкент шаҳрида жойлашган барча туман ҳокимликлари қошида тузилган "Ягона дарча" марказлари орқали электрон ва ёзма кўринишида қабул қилинаётганлигини билдирамиз.

Азиз ҳамшаҳарлар, битимлар асосида олинган кўчмас мулкингиздан фойдаланишдан аввал, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунларга амал қилган ҳолда ер участкаси ёки бино-иншоотга бўлган ҳуқуқингизни давлат кадастр рўйхатидан ўтказишни унутмангиз. Бу билан Сиз Ватанимизнинг ҳуқуқий давлат сифатида янада ривожланишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Ўзингизни қизиқтирган қўшимча савол ва таклифларингизни **www/kadastr/uz** ҳамда **www/odnookno/uz** интернет саҳифалари орқали ёки бевосита ойнинг ҳар ҳафтаси шанба кунида Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси биносида ўтказиладиган "Очиқ эшиклар куни" тадбирида беришингиз мумкинлигини ҳамда 239-35-21 рақамли "Ишонч телефони" фаолият юритаётганлигини маълум қиламиз (манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2а-уй.)

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маъмурияти

Реклама ўрнида







Реклама ўрнида

“TOSHKENT SIFAT SAVDO”
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз ҳамшаҳарларимизни яқинлашиб келаётган
Наврўз байрами билан муборакбод этади.
Наврўзи олам шукуҳи дилларимизни шод,
қалбларимизни чароғон этсин, халқимизга хос бўлган
меҳру оқибат бизларни асло тарк этмасин.
Юртимизда тинчлик, хонадонларимизда
тотувлик бардавом бўлсин!

“SITOHROM” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

баҳорнинг энг
гўзал байрами билан
барча
юртдошларимизни
қутлайди.

Наврўзи олам ўлкамизга
қут-барака, ақиллик,
ҳалжихатлик олиб келсин.

Пойтахтимиз янада
гуллаб-яшнасин.

Осмонимиз мусаффо,
иқболимиз порлоқ бўлсин.

“O`ZBEKISTON TEMIR YO`LLARI”
AJ KAPITAL QURILISH DIREKSIYASI
ЖАМОАСИ

яшариш ва янгиланиш рамзи
бўлган қадимий ва ҳамиша
навқирон Наврўзи олам билан
барча ҳамшаҳарларимизни энг
эзгу тилакларни изҳор этган
ҳолда қутлайди.

Баҳор байрами юртимизга тинчлик-
хотиржамлик, оилаларимизга бахт-саодат ва
қут-барака олиб келишига тилакдошмиз.

Реклама ўрнида



МИЖОЗЛАР УЧУН ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ

Мамлакатимизда инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, хусусан, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкини суғурта қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти томонидан республика суғурта бозорини янада ривожлантириш, аҳоли ва мижозларга сифатли суғурта хизматлари кўрсатиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарори имзоланди. Мазкур қарорга асосан мамлакатимизда 2016 йилнинг 1 мартидан бошлаб бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати қоидалари” амалга киритилди. Унга кўра ҳар бир транспорт воситасида тиббиёт қутичаси, ўт ўчиргич, мажбурий тўхтаганни билдирувчи белги билан биргаликда нур қайтарувчи махсус нимчалар ҳам бўлиши шарт қилиб белгиланган.

— Айнан шуларни инобатга олиб “Ўзагросуғурта” АЖ мижозларга қулайлик яратиш, аҳоли ўртасида суғурта маданиятини ошириш ҳамда йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилиш мақсадида Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти филиаллари ва унинг ҳудудий туман, шаҳар бўлинмаларида “Йўл қоидаси – умр фойдаси” шиори остида “Ҳимояланган ҳайдовчи” акцияси ташкил этилди, — дейди “Ўзагросуғурта” АЖ бошқаруви Стратегик ривожлантириш, маркетинг ва сифатни бошқариш департаменти бош мутахассиси Шерзод Исламов. — Акция шартига кўра Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича суғурта турини харид нархида сотиб олган иштирокчига “Ўзагросуғурта” логотипи туширилган нур қайтарувчи махсус нимча совға сифатида берилади.

Ҳар бир мижознинг ўз шахсий хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда уни бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт 1 йил муддатга суғуртавий ҳимояга олинади.

“Ўзагросуғурта” АЖ мижозлари ва ҳамкорлари истакларини инобатга олган ҳолда келгусида ҳам шу каби қулайликлар яратишни ва сифатли хизмат кўрсатишни ўз олдига мақсад қилган.

Зиёда РАСУЛОВА

Тошкент туризм коллежини ошпазлик йўналиши бўйича битираётган Абдулазиз Қўчқоров пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” меҳмонхонасида амалиёт ўтади. Ошпазликка қўли келишиб қолган, рус, инглиз, немис тилларини биладиган Абдулазиз меҳмонхона раҳбариятининг ишончини қозониб, тўрт томонлама шартнома асосида ишга таклиф этилди.

Коллеждан корхонага

АБДУЛАЗИЗ ИШГА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги “Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори ёшларни иш билан таъминлашда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

– Пойтахтимизнинг энг кўзга кўринган, сайёҳлар билан гавжум меҳмонхоналарида ишлаш менинг орзуим бўлган, – дейди Абдулазиз. – Коллежимизда ўзбек ва Европа халқлари таомларини тайёрлаш, мижозларни очиқ чеҳра билан кутиб олиш, қандолатчилик ва новвойлик сирларини ўрганяпмиз. Мақсадим – ўзбек миллий таомларини тайёрлаш сирларини пухта ўзлаштириб, юртимизга ташриф буюрувчи меҳмонларни хушнуд этиш.

Касб-ҳунар ўрганиб, ҳаётга катта орзуниятлар билан кириб келаётган ҳар бир ёшнинг ишли бўлиши жамиятнинг катта ютуғи. Ўқувчисига меҳр билан билим берган, ҳунар ўргатган севимли устози, фарзандининг меҳнат фаолиятини бошлаганидан мамнун ота-она қувончининг ўзи бир олам.

Бугун ёш авлодга замон талаблари даражасида таълим бериш билан бирга, уларни келгусида муносиб иш ўринлари билан таъминлаш долзарб вазифага айланди. Бунда ўқув муассасаси – битирувчи – иш берувчи – ҳокимлик ўртасида тузилган тўрт томонлама шартномалар қўл келмоқда.

– Ўқувчилар амалиётини сифатли ташкил этиш ва уларни келажакда иш билан таъминлаш мақсадида пойтахтимиздаги барча меҳмонхона ва ресторанлар билан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, — дейди Тошкент туризм коллежи директори ўринбосари Назира Солиҳова. – Бу йил коллежни 647 ўқувчи тамомлайди. Шу кунга қадар уларнинг 450 га яқини турли ташкилотлар билан тўрт томонлама шартнома тузди. Ўқувчиларимиз амалиёт ўтаётган корхоналарга бориб, уларнинг раҳбарлари, амалиётчи устозларининг фикрларини эшитиб, хурсанд бўлдик.

Битирувчиларни бўлғуси иш шароитлари билан яқиндан таништириш, коллеж ҳамда корхона ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида йирик корхона ва ташкилотларга саёҳатлар уюштирилмоқда. Ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўз бизнесини йўлга қўйишга кўмаклашиш бўйича семинар-тренинг, учрашув ва тадбирлар ўтказилмоқда.

(ЎзА)

Ҳаёт гўзал. Унинг янада кўркамлашиб, чирой очишига инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб яшашлари файзу тароват бағишлайди.

СЎНГГИ ПУШАЙМОН ЎЗИНГГА ДУШМАН

Аммо афсуски, ҳар тўкисда бир айб деганларидек, ҳаётда шундай ишёқмас, текинхўр кимсалар ҳам борки, кўча-кўйда ўғри мушукдек пайт пойлаб, бирор аёлнинг бўйнидаги тилла занжири ёки қулоғидаги сирғасини юлиб қочишдан тап тортишмайди. Нархи арзимаган 50-100 минг, нари борса, 200 минг сўм атрофида турадиган бундай тақинчоқлар деб қанчадан-қанча аёлларга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказишади. Қутилмаганда, ногаҳоний содир этилган бу талончиликдан қўрқиб кимлардир соғлигини йўқотади.

Шу боисдан Республика ички ишлар вазирлиги томонидан мамлакатимиз кўча ва маҳаллалар, аҳоли гавжум, умуман жамоат жойларида тунги ва кундузги пайтларда хизмат кўрсатиб, аҳоли хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга жалб этилган ходимларни замонавий техник ва алоқа воситалари билан таъминлаш хизматини ташкиллаштириш ва улар хизматини доимий равишда назорат қилиб боришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Маҳаллалар, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ёшлар орасида турли жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг турли ёт иллатлар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик борасида кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда кўплаб учрашув ва тадбирлар ўтказилмоқда. Натижада 2015 йил якуни бўйича умумий жиноятлар сонини 1,6 фоизга, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сонини 8,4 фоизга, майдон ва истироҳат боғларида содир этиладиган жиноятларнинг эса 2 фоизга камайишига эришилди.

Бироқ шунга қарамасдан, ҳамон кўча-кўйда хотин-қизларнинг бўйнидаги тилла занжирлари ёки қулоғидаги сирғаларини ечиб олиб қочиш ҳолатлари оз бўлса-да учраб турганлиги дилимизни хуфтон қилади.

Яқинда Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида номаълум шахслар кўчада кетаётган 62 ёшли онахоннинг бўйнидан сариқ металлдан ясалган занжирни юлиб олиб қочишган. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан кўрилган тезкор чоратадбирлар натижасида ушбу талончилик жиноятини Олмазор туманида яшовчи 1976 йилда туғилган И. ҳамда 1990 йилда туғилган Ф. исмли шахслар содир этгани аниқланиб, қўлга олинди.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, онаси ёки бувиси тенги бир кампирнинг бўйнидаги арзимаган тақинчоққа кўз олайтирган бундай текинхўр шахсларни ким деб аташ мумкин?!

Ахир кўча-кўйда бекор, санғиб юрмасдан бирор ҳунарнинг бошини маҳкам тутишганида, бу йигитлар, кунига бемалол бундай тақинчоқнинг иккита-учтасига етадиган пул топа олишмасмиди?

Топишарди, албатта. Лекин уларнинг томирида бирор иш топиб ишлаш иштиёқи эмас балки, тайёрига айёрлик, текин луқмага мойиллик сабабли ҳам улар бундай қабиҳ жиноятга қўл уришган, десак муболаға бўлмайди. Бу мойиллик эса улар қалбида йиллар давомида шаклланиб келган. Бунга эса улар хатти-ҳаракатлари устидан энг аввало ота-онанинг, ундан сўнг эса маҳалла-қўй ва педагогик жамоалар назоратининг бўшаштириб юборилганлиги, улар тарбиясининг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги сабаб бўлган, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз...

Гўзал ва нафис ҳилқат ҳисобланмиш баъзи хотин-қизларимиз томонидан ҳам ҳали ёш, яхши билан ёмоннинг, оқ билан қорани билмайдиган боғча тарбияланувчиси ёки кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини баъзан алдаб-сулдаб, гоҳида эса қўрқитиб қулоғидаги сирғасини куч ишлатиб ечиб олиб қочишга уринувчи маккораларнинг ҳам борлиги кишини ғазаблантиради. Бироқ “Эгасига буюрмаган мол, бошқага буюрармиди?!” “Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади” деганларидек, ишлаб пул топиш ўрнига тайёрига айёр бўлиб, бировнинг мулкига кўз олайтирган бундай талончи кимсалар қўлга тушиб, эл-юрт олдида шарманда бўлишмоқда.

Сўнгги пушаймон ўзингга душман, деб бекорга айтишмаган. Шу боисдан кўча-кўйда бировнинг бўйнидаги тақинчоғи, қулоғидаги сирғаси ёки қўлидаги бошқа бирор нарсасини юлиб қочиб кун кўраман, деган хом хаёлда юрганлар кўзларини каттароқ очиб атрофга қарашлари, эслари борида этакларини ёпмоқлари лозим. Зеро, “Кўза кунда эмас, кунида синади”, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди.

“Кўза синганда” эса, кимларнингдир тақдирлари ҳам бирга “синиши” тайин. Шундай экан, ҳалолидан қўймасин, дея бир тишлам нонингиз, насибангизни ўз меҳнатингиз билан топишга уринган ва фарзандларингизни ҳам шунга ўргатинг. Оилада, маҳаллада, мактабда ва бошқа таълим муассасаларида ёшларимизга бировнинг нарсасига кўз олайтириш, мўмай даромад топишга интилиш ҳам гуноҳ, ҳам кечирилмас жиноят эканлигини тушунтиришдан эринмайлик. Ана шунда жамиятимизда бу каби қилмишларнинг анча камайиб, ҳаётимизнинг янада фаровонлашувига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Зикрилла НЕЪМАТОВ,
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бўлим бошлиғи, полковник

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Ҳурматли ота-оналар ва пойтахт аҳолиси! 2016 йил муҳтарам Президентимиз томонидан “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан, жорий йилнинг 25 март куни Юнусобод туманидаги 260-сонли умумтаълим мактабида (Манзил: Юнусобод тумани, 8-мавзеси) Халқ таълими вазирлиги раҳбариятининг аҳоли билан “Сайёр қабули” ташкил этилади.

Унда халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жорий эилган янгиликлар билан бир қаторда тизимдаги мавжуд муаммолар ва аҳолини қизиқтираётган масалалар бўйича учрашув ташкил этилади.

Ўзингизни қизиқтирган масалалар бўйича: Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг toshkent shxtbb@xtv.uz ҳамда Юнусобод туман ХТМФМТТЭБнинг yunusobod txtb@xtv.uz электрон почта манзиллари орқали ёки Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ахборот-таҳлил гуруҳининг 237-08-93 ҳамда Юнусобод туман ХТМФМТТЭБ масъул ходимининг 221-86-42 телефон рақамлари орқали мурожаат этишингиз мумкин.

Реклама ўрнида

«ЎЗАГРОСУҒУРТА»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

барча ватандошларимиз, ўз мижозлари ҳамда юртимиз меҳмонларини она табиатнинг янгиланиш ва покланиш рамзи саналмиш – НАВРЎЗИ олам байрами билан қутлайди.

Ўзбекистон суғурта бозоридаги универсал суғурта компанияларидан бири бўлган "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти Сизларни баҳор фаслидаги кўтаринкилик, хуш кайфият ва бегуборлик мудом тарк этмаслигини тилаб қолади.

Узлуксиз хизмат рақами: 200-95-95
www.agros.uz

Хизматлар лицензияланган

O`ZBEKINVEST HAYOT

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизларни бетакрор баҳор гўзаллиги билан юртимизга кириб келаётган Наврўз умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этамиз.

Ушбу айём сизларга тинчлик, куч-гайрат ва омад олиб келсин.

Баҳорнинг гўзаллиги ва Наврўзнинг нафосати диёримизни нурга тўлдирсин.

"O'ZBEKINVEST HAYOT"
СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

"ЛАЙЛАК-УЯ КАРЬЕР СЕРВИС" ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

сиз азизларни файзли қадамлар ила юртимизга ташриф буюраётган Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади. Хонадонларингиз қувончга, дастурхонингиз қут-баракага тўла бўлсин.

Барча эзгу тилакларингиз амалга ошсин!

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ НАФАСИ





Ислом Исмоилов олган суратлар

Буюк бобомиз Абу Али ибн Сино баҳорда тананинг ҳолсизланишини енгиш учун ундирилган дон маҳсулотлари, турли кўкат, сабзавотлар, улардан тайёрланган хилма-хил таомлардан истеъмол қилишни тавсия этган. Момоларимиз "илик узилди" даврида бу неъматлардан кўк сомса, чучвара, сумалак, ҳалим, юпқа каби тансиқ таомлар тайёрлаган. Улар маҳалла-кўй билан баҳам кўрилган.

КЎКЛАМ ҲАДЯЛАРИ

– Баҳорда кўпчиликда ҳорғинлик, дармонсизлик кузатилади, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент тиббиёт академияси биринчи клиникаси диетологи Карима Жабборова. – Баҳорги ўсимликлар иштаҳа очади, овқат ҳазмини яхшилайди, қон босимини меъёрлаштиради. Жумладан, исмалоқ, жағ-жағ, ялпиз каби ўсимликлар танага қувват бағишлайди. Исмалоқ таркибидаги С1, В1, В3, В6, РР, К, Е витаминлари, темир, йод, фосфор, кальций, магний каби маъданлар иммунитетни кўтаради.

Ялпиз таркибида эфир мойлари, органик кислоталар, флавоноидлар, каротин, рамноза, глюкоза, рутин, витамин С, минерал тузлар ва яна бир қатор фойдали моддалар мавжуд. Ялпиздан тайёрланган сомса, чучвара инсон саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Жағ-жағ таркибида С, К витаминлари, танин, тирамин, инозит, каротин, сапонин, эфир мойлари, глюкоза ва диосмин асослар бор. Жағ-жағ қон босимини туширириб, ичак фаолиятини меъёрга келтиради. Шу боис халқимиз унинг кўкатидан таомлар тайёрлайди.

Наврўз байрами дастурхонини доривор кўкатлардан тайёрланган таомлар, гўжа оши, ҳалим, сумалаксиз тасаввур қилиш қийин.

Миллий таомларимиздан бўлмиш ҳалим тайёрлашда ишлатиладиган маҳсулот – буғдой, ёғ, гўшт ҳисобланиб, улар оқсилга жуда бойдир. Халқ табобатида ҳалим таркибидаги экстрактив моддалар меъда-ичак фаолиятини яхшилаши, марказий асаб тизимига ижобий таъсир қилиши, мия, юрак функциясини фаоллаштиришга ёрдам бериши исботланган.

Наврўз байрамида халқ сайлларининг тўйимли ва тўқ тутувчи таомларидан бири гўжа Марказий Осиё халқлари таомномасида етакчи ўрин тутган. Бу таом асосан, оқ ва сариқ жўхори, махсус буғдойни узоқ қайнатиб тайёрланган. Гўжа ичиб катта бўлганинг илиги тўқ бўлиши ҳам бор гап. Жўхори, буғдой юмшаб пишганидан сўнг у совутилган ва қатиқ аралаштириб ичиш урф бўлган. Баъзи жойларда гўжа оши таркибига қўй ва мол гўштига қўшилиб нўхат, ловия, буғдой, арпа, мош каби дуккакли маҳсулотлар солинган. Гўжа ошини тўйиб ичган киши кун бўйи тўқ ва тетик юради.

Ҳар бир фаслнинг ўзига яраша таомлари бор. Шундай экан, айни баҳор кезлари витаминларга бой шифобахш кўкатлардан тайёрланган таомлар дастурхонимиздан кўпроқ жой олсин.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА

ЁШЛИК БАҲОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" марказида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда Наврўз байрамига бағишланган "Ёшлик баҳори" номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг интеллектуал ва ижодий қобилиятини рўёбга чиқариш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Байрам олдидан пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида теварак-атроф ободонлаштирилди, ётоқхоналар ҳовлиси ва йўлак бўйларига кўчатлар ўтқазилди.

– Ёшлар баҳорнинг илк кунларидан "Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигига 25 туп кўчат – менинг туҳфам" шиори остида кўчат экиб, боғ яратмоқда, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси етакчилар кенгаши раиси Фаёз Қўшоқов. – Шаҳарчамиздаги барча кўчаларда, талабалар турар жойларида, таълим муассасалари ҳудудларида сув йўлларини тозалаш, дарахтларга шакл бериш, янги дарахт ва гул кўчатлари ўтқазиш, майдонларни кўкаламзорлаштириш каби кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу кунга қадар ҳудудда мингдан зиёд манзарали ва мевали дарахт, 6 мингдан ортиқ гул кўчати экилди.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент тиббиёт академияси, пойтахтимиздаги Турин политехника университети, Тошкент маданият коллежи, Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи, Олмазор тиббиёт коллежларида айёмга бағишланган турли маданий-маърифий тадбирлар, сумалак сайли ташкил этилмоқда. "Хуш келдинг, Наврўзим!" "Наврўз – меҳр-мурувват байрами", "Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!", "Наврўз – эзгулик элчиси!", "Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!" деб номланган турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

– Наврўз ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришда алоҳида ўрин тутади, – дейди Миллий университет профессори, фалсафа фанлари доктори Нигина Шермуҳамедова. – Байрам тадбирлари, ҳашарлар ёшларни дўстлаштиради, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлайди.

Тадбирда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда Тошкент хореография билим юрти талабаларининг Наврўзга бағишланган бадиий чиқишлари намойиш этилди.

Азима ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

Баҳор бу уйғониш фасли, тўрт фасл ичра энг гўзалидир. Унда борлиқ яшилликка бурканиб, гуллар тароватидан барча баҳраманд бўлади. Бундан ташқари, баҳорни биз байрамлар фасли десак ҳам адашмаган бўламиз. Бу фаслда гўзал, дилбар аёлларимиз байрами ва халқимиз орзиқиб кутган, ўзбекона анъана ва урф-одатларимиз мужассамлашган миллий байрамимиз бўлган "Наврўзи олам" каби байрамлар кенг миқёсда нишонланади.

Шифобахш неъматлар

ҲАЛИМ

Баҳорнинг тансиқ таомларидан бири бўлмиш ҳалим ҳам сумалак таоми каби элимиз суйиб, тановул қиладиган тансиқ таомларимиздан биридир. Ҳалим — буғдой ва мол гўштидан тайёрланадиган қадимий таом. Бу таом сумалак каби узоқ қайнатиб пиширириладиган таомлардан.

Бухоро ва Самарқанд вилоятларида "ҳалиса" деб номланади. Ҳалим тайёрлаш учун қайроқи буғдой бир оз намланиб, ёғоч келида туйилиб, совуқ сувда ювилади, сўнг 5-6 соат давомида илиқ сувда ивитилади.

Ўсимлик ёғи қиздирилган қозонда лўнда-лўнда тўғралган қўй ёки мол гўшти қизаргунча қовурилади, сўнг тайёрлаб қўйилган буғдой солиниб, дарҳол сув қуйилади ва дош қозонларда 9-10 соат давомида милдиратиб қайнатилади. Ҳалим таоми ҳам сумалак таоми каби тўхтовсиз айлантириб турилади. Ҳалим таомининг буғдойи эзилиб, гўшти эса ҳил-ҳил пишиб, буғдойга толасимон бўлиб аралашиб кетгач тузи ростланади ва олови пасайтирилиб, 2-3 соат давомида "дам берилади". Тайёр таомни лаган ва тақсимчаларга чиройли тарзда сузиб, дастурхонга тортилади.

Баҳорий неъматлар юртимиз бўйлаб, бугун ҳар бир маҳалла ва кўчаларда, вилоятларимизнинг барча қишлоқ ва туманларида дастурхон кўрки бўлиб турибди. Бувижонлар қўлларини дуога очиб, юрт тинчлиги, ҳаётимиз фаровонлигини тилаб, омонлик-эсонлик дея шукроналар айтадилар.

Она Ватанимизда ана шундай қувончли дамларда, байрам шукуҳи уфуриб турган бир кунда тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака сира ҳам аримасин, Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнаб, обод ва фаровон бўлсин!

Барно НОРОВА

ОНА ТАБИАТ – ШИФО МАНБАИ

Серқуёш заминимиз шифобахш ўсимликларга бой. Ота-боболаримиз турли касалликларни даволашда улардан унумли фойдаланган. Бугун ҳам пойтахтимизнинг қайси бир дорихонасига кирманг "фитобар" бурчаги ташкил этилганлигининг гувоҳи бўласиз. Бундай доривор гиёҳлардан фойдаланиш барча оилавий поликлиникаларда ҳам йўлга қўйилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, табиий гиёҳлардан тайёрланган дамламалар иммунитетни кучайтиради, турли касалликларнинг асоратларини йўқотади, соғлиқни тез тиклашга ёрдам беради. Мисол учун, лимон ўт – нафас ва юрак-қон томир тизими, жигар фаолиятига ижобий таъсир этиб, овқат ҳазм бўлишини яхшилайди. Наъматакнинг 300 граммини 3 литр сувда 1 соат давомида қайнатиб, қайнатма қулоққа томизилса, қулоқ оғриғи ва шанғиллашини бартараф этади. Иммунитетнинг кўтарилишига яхши ёрдам беради.

– Наъматак, ўрик шарбатининг бир нечта касалликларга даво бўлишини кўпчилик билади, – дейди олий тоифали шифокор Фотима Маҳмудова. – Ёки далачой ўсимлигининг хусусиятларига эътибор қаратсангиз, гиёҳларнинг фойдали жиҳатлари кўплигига амин бўласиз. Бу гиёҳ яра тўқималарини тез битирувчи таъсирга эга бўлиб, тиббиётда меъда-ичак, оғиз бўшлиғи касалликларида ҳамда иккинчи ва учинчи даражали куйишни даволашда ишлатилади. Демак, кундалик турмушда ҳам доимий равишда гиёҳли дамлама ва чойларни истеъмол қилиш соғлиқ учун фойдали.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, юртимизда маҳаллий флорага мансуб доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, ўрганиш ва уларни кайта ишлаш асосида табиий шифо воситалари тайёрлашни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Илм-фан муассасаларимизда табиий гиёҳларнинг дориворлик хусусиятларини ўрганиш, табиий ҳолда ўсадиган ушбу бойликлардан рационал фойдаланиш, доривор гиёҳлар етиштириш кўламини кенгайтириш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Доривор ўсимликшунослик бўйича мутахассислар тайёрлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетининг ўрмон хўжалиги ва доривор ўсимликлар факультетида доривор ўсимликлар ва экология кафедраси фаолият кўрсатмоқда.

– Соғлиқни сақлаш муассасалари ва фармацевтика саноати корхоналари эҳтиёжини тўла-тўкис қондириш учун маданий ҳолда етиштирилган доривор ўсимликларнинг ўзига хос афзал жиҳатлари бор, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент давлат аграр университетининг доривор ўсимликлар ва экология кафедраси мудири, доцент Эгамёр Аҳмедов. – Бунда фармацевтика саноати бир хил турдаги ва бир хил ёшдаги доривор ўсимликлар хомашёси билан таъминланади ва бу дори воситаларини тайёрлашда технологик жараёнларни осонлаштиради.

Юртимизда табобат амалиётида ишлатиладиган барча доривор ўсимликлар ҳам ўсмайди. Ана шундай ўсимликлар кўчати ва уруғларини хориждан келтириб, маданийлаштириш ва иқлимлаштириш чоралари кўрилмоқда. Маккаи сано, доривор валериана, мойчечак, қалампир ялпиз, тухумак, тирноқгул, қизил эхинация каби ўсимликлар уруғи иқлим шароитимизга мослаштирилиб, юқори сифатли ҳосил олинмоқда. Бундан ташқари, Филиппин ва Янги Гвинеяда кенг тарқалган тукли эрва, яъни "пол-пола"ни маданий ҳолда етиштириш йўлга қўйилди.

Айни пайтда, кафедрада соҳа бўйича назарий ва амалий билимларни пухта эгаллаб, замон талабига мос, ўз касбининг моҳир устаси бўлган мутахассис ёшлар тайёрланмоқда.

– Ўткир баргли сано етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш борасида изланишлар олиб бораяпман, – дейди доривор ўсимликлар етиштириш технологияси йўналиши магистранти Руслан Муродов. – Сано табиий ҳолда Нил водийларида, Қизил денгиз соҳилларида ўсади. Ноёб доривор ўсимлик сифатида мамлакатимизда, Туркманистон, Озарбайжон, Ҳиндистон, Покистон каби давлатларда маданийлаштирилган. Унинг барг ва мевасидан узоқ давом этадиган қабзиятда ичиш учун дори ишлаб чиқарилади. Сано барглари секинлик билан ўт ҳайдаш хусусиятига эга бўлгани учун жигар ва ўт пуфагининг фаолияти бузилганда ичиш тавсия қилинади.

Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино ҳақидаги ривоятларда буюк табибнинг гиёҳлар билан тиллашгани, табиатдаги барча ўт-ўланлар унга ўз сирларини очгани айтилади. Бу бежиз эмас. Зеро, ота-боболаримиз қадимдан турли хасталикларга давони табиатдан излаган, гиёҳларнинг шифобахш хусусиятлари, фойдали ва зарарли жиҳатларини ўрганиб, улардан кундалик ҳаётда унумли фойдаланган. Ўсимликлар биз учун ҳам озиқ, ҳам шифо манбаи. Фақат уларнинг хусусиятини пухта ўрганиш ва шунга кўра тўғри фойдаланиш кифоя.

Сайёра ШОЕВА

МАҲОРАТЛАРИНИ СИНОВДАН ЎТКАЗИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати соҳавий хизматлари ҳамда олий таълим муассасалари ходимлари ўртасида спортнинг кўп кураш, мини футбол ва волейбол турлари бўйича мусобақа ўтказилди.

Куни кеча Ички ишлар вазирлигининг спорт иншоотида беллашувларнинг якуний босқичига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ходимларнинг билим ва касб малакасини, жисмоний тайёргарлигини ошириш, улар ўртасида спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Беллашувларда қатнашчилар спортнинг ўқ отиш, спорт тўсинида тортилиш, югуриш ва стол тенниси бўйича баҳс олиб бордилар.

Якуний натижаларга кўра, ўқ отиш бўйича Академиянинг катта илмий ходими, капитан Сергей Гордеев, спорт тўсинида тортилиш бўйича ҚҚББ махсус вазифаларни бажариш гуруҳи мутахассис ўқчиси, сафдор С.Ўлмасов, 3000 метрга югуришда ЁХББ кичик инспектори, сафдор Б.Акбаровлар ғолиб бўлишди. Кўпкураш беллашувларида умумжамоа ҳисобида ИИВ Академияси биринчиликни қўлга киритди.

Мини футболнинг финал босқичида Моддий техника таъминоти бошқармаси жамоаси Жазони ижро этиш бошқармаси жамоасидан устун келган бўлса, волейбол баҳсларида Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти жамоаси барчадан устун келди.

Мусобақаларда вазирликнинг аёл ходимлари ҳам иштирок этишди. Стол тенниси бўйича Маданият саройи сафдори Наргиза Мақулова ҳеч бир рақибасига имконият қолдирмади.

– Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан аёллар спортига ҳам катта эътибор қаратилмоқда, – дейди Наргиза Мақулова. – Аёлларимизнинг спорт билан шуғулланиши соғлом фарзандлар дунёга келишида муҳим аҳамият касб этади. Нафақат ички ишлар идоралари аёл ходимлари, балки барча соҳаларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар спорт билан ҳамнафас бўлсалар ўйлайманки, бу фойдадан холи бўлмайди.

Тадбирда мусобақа ғолиб ва совриндорларига вазирлик томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Салим ХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларига: Чилонзор тумани СИБ томонидан: 2015 йил 12 январдаги 13-421/14-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган: **1.** Бошланғич баҳоси – 46 939 500 сўм, 2003 йилда и/ч., дав/рақ: 01P706LA бўлган, "Мерседес бенц 320" русумли; **2.** Бошланғич баҳоси – 76 180 500 сўм, 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 01N202GA бўлган, "Лексус IS250" русумли автотранспорт воситалари такроран савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 31 март куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10:00 дан соат 16:00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 31 март куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 29 март соат 16:00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000104996600001, МФО: 01101, ИНН: 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-69-13. **Гувоҳнома № 006795.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

XALQ BANKI

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

АТ Халқ банки тендер савдоларини ташкил этувчи ташкилотларни аниқлаш бўйича танлов эълон қилади

1. Танловда тендер савдоларини ўтказиш бўйича тегишли лицензияга эга бўлган маҳаллий фирма ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

2. Танлов комиссияси ишчи органи манзили ва телефони: Акциядорлик тижорат Халқ банки. 100000, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 3-уй. Телефон: (99871) 120-17-48, 120-17-49 e-mail: marketing@xb.uz.

3. Танлов мақсади: "Тендер савдоларини ташкил этувчи ташкилотни танлаш".

4. Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни www.xb.uz сайтидан, шунингдек, душанба-жума кунлари соат 09-00 дан 18-00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин.

5. Тижорат таклифлари **2016 йилнинг 1 апрель куни соат 17.00 га қадар** қабул қилинади.

6. Тақдим этилган тижорат таклифлари танлов шартларига жавоб бермаган тақдирда, ушбу ташкилотлар мазкур танловда иштирок этмайди.

Хизматлар лицензияланган.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **18 март** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража илиқ, кундузи — 10-12 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **18 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-4227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 355
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13376 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 16.10
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ